

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИБОДУЛЛОЕВА ШОХИДА ЮСУФБОЕВНА

**БОЛАЛАРДА ЎТ АЖРАТИШ ЙЎЛЛАРИ СУРУНКАЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА КЛИНИК
НАМОЁН БЎЛИШИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ибодуллоева Шохида Юсуфбоевна

Болаларда билиар тизимнинг клиник хусусиятлари

ва функционал бузилишлари..... 3

Ибодуллоева Шохида Юсуфбоевна

Клинико-функциональная характеристика

билиарного тракта у детей..... 23

Ibodulloyeva Shokhida Yusufboyevna

Clinical and functional manifestations of secondary

biliary tract in children..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИБОДУЛЛОЕВА ШОХИДА ЮСУФБОЕВНА

**БОЛАЛАРДА ЎТ АЖРАТИШ ЙЎЛЛАРИ СУРУНКАЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА КЛИНИК
НАМОЁН БЎЛИШИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib754 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муратходжаева Ақида Валиевна**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Шомансурова Элмира Амануллаевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедова Инобат Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда hozirgi вақтда болаларда ошқозон-ичак тизимининг носпецифик касалликлари болалар касалликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, « ўт ажратиш тизими касалликларининг кўрсаткичлари 100 000 аҳолига нисбатан 294 кишини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич умумий хазм қилиш аъзолари касалликларининг 25%дан ортиқ (50%га яқин) кўрсаткичи ташкил этади.. ...»¹. Ўт йўли тизими касалликлари (ЎЙТК) болалар патологияси структурасида кенг тарқалиши, сурункали кечиши, ҳамда бола организмнинг ўсиши ва ривожланишининг энг муҳим даврларида касалликнинг оғир асоратларининг шаклланишга олиб келиши мумкин. Ўт ажратиш йўлари касалликларининг учраш тезлиги ошқозон -ичак тизими (ОИТ) патологияси бўлган болалар орасида 55%дан 80%гача ташкил этади. Шу жиҳатлар ЎЙТКлари ҳолатларини эрта ташхислаш усулларининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда педиатриянинг устувор йўналишлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, айниқса ОИТ касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, улар орасида болалардаги гепатобилиар тизим касалликлари етакчи ўрин тутмоқда. Бу борада болаларда ўт ажратиш йўллари касалликларининг шаклланиш босқичлари, ҳамда юзага келтирувчи хавф омилларини аниқлаш, замонавий диагностик мезонларни белгилаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга реабилитация тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун янги замонавий комплекс ёндашувларни такомиллаштириш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соҳага илғор ва рақамли технологияларни жорий этиш, касалликларни эрта ташхислаш бўйича кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш бўйича «...бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узок муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш...»² устувор вазифалар белгиланган. Бу борада сурункали патологияда ташхислаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва профилактиканинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021-йил 17-декабрдаги ПҚ-5199 “Соғлиқни

¹ Kaul.K. cyclic vomiting syndrome: a functional disorder. *Pediatr Gastroenterol Hepatol Nutr* 2015;18(4)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантирига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-5124-сонли Қарори.

сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра билиар патология асосан мактаб ёшидаги болаларнинг кўпчилигида аниқланади, ҳамда ташхис қўйилади. Жумладан ўғил болаларга кўра қизлар 2-3 баробар тез-тез касал бўлиб, ошқозон-ичак тизими касалликларининг 80 % фоизини ташкил қилади (Drossman D.A. 2016). Болаларда ўт пуфагининг касалликлари ортиб бормоқда ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг орасида етакчи ўринларни эгалаётгани хақида фикрлар берилган. Муаллифларнинг маълумотларига кўра кейинчалик билиар тизимнинг функционал ва органик касалликларининг ўсиш тезлиги сақланиб қолади. (Григорьев К.И. 2014, Запруднов А.М., 2016, Малахов В.А. 2017, Nagy N., Hoffmann R.M. 2005). Замонавий гастроэнтерологияда ўт йўллари тош касалликларининг (холелитиаз) муаммоси долзарблигини сақлаб келмоқда ва катталар орасида 10-20%ни, болаларда эса 1%ни ташкил этиши ўрганилган (Schmidt.C., 2012). Соловьев А.Л. (2017) сўнгги йилларда ўсмирлар ва болалар орасида ўт йўллари тош касалликлари билан касалланиш кўрсаткичини ортишини кузатди.

Хорижий адабиётларда кўпгина муаллифлар томонидан келажакда ўт пуфаги ва ўт йўлининг функционал ҳамда органик касалликларининг кўпайиш тенденцияси хақида фикрлар берилган (Запруднов.А.М.2019.; Каровина Н.А. 2015.; Лисиовская Е.Е. 2018). Билиар тизимнинг маълум миқдордаги касалликлари ўт йўллариининг аномалияларига тўғри келади, аномалиялар ўт пуфаги ҳаракатининг бузилишига олиб келади, бу эса ўз навбатда махсус симптоматикани кучайишига ҳамда функционал ва органик патологиясининг келтириб чиқаради. (Запруднов.А.М. 2016, 2018, Харитоновна Л.А. 2016). Болаларда ўт пуфаги ва ўт йўллариининг яллиғланиш касалликлари, ноинфекцион этиологияли овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ичида юқори даража ўрин эгаллаган. (Мехтиев. С.Н.2017). Хозирги вақтда ўт йўллари дискинезиялари ўт йўлининг сурункали касалликлари - холецистит, холецистохолангит, холелитиазнинг ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган преморбид ҳолат сифатида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда билиар тракт патологиясини Алиев М.М., 2016, Эргашев Н.Э., 2017, Муратходжаева А.В., Даукш И.А. 2018 ўрганишган, улар асосан касалликни ташхислаш, даволаш ва профилактикасига катта аҳамият беришган. Дисбактериоз кўпинча овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари

фонида ривожланади ва ўт кислоталари алмашинувини бузадиган анаэроб флоранинг ривожланишига олиб келиши ва ўт йўллари патологиясини юзага келишига ёрдам берувчи омиллардан бири эканлиги, ҳамда ўт тош касаллигини дастлабки босқичи ўт чўкмасини молекуляр таркиби жihatдан ўрганишлар бўлган (Тухтаева.Н.С., Мансуров.Х.Х., Мансурова.Ф.Х.2006), бироқ, болаларда ўт чўкмасининг клиник шаклланиш босқич хусусиятлари тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўт ажратиш йўллари касалликлари ривожланишининг дастлабки босқичларида замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида ташхисотни янада такомиллаштириш асоратларининг оғир шакллариининг ривожланишини олдини олади. Бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаси бўйича №01.980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, давоси ва профилактикаси» (2018-2021 йй.) илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ўт ажратиш йўллари сурункали касалликларининг шаклланиш босқичлари ва клиник намоён бўлишини ўрганиш, ривожланишининг олдини олиш, эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, ўт тош касаллиги келиб чиқишини олдини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ўт ажратиш йўллари сурункали касалликларининг структурасини ёши ва жинсига кўра баҳолаш;

болаларда ўт йўллари сурункали касалликларини шаклланишига олиб келувчи энг муҳим хавф омилларини аниқлаш;

болаларда ўт йўллари касалликларини клиник кўринишининг алоҳида хусусиятларини, лаборатория текшируви ва инструментал тадқиқотлар натижаларини баҳолаш;

болаларда ўт йўллари касалликларини эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2021 йиллар давомида 4-Шаҳар болалар клиник шифохонаси ва Шайхонтохур туманидаги 44-оилавий поликлиникасида назорат остига олинган 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 178 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва қон зардоби, сийдик, нажас материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда генеалогик, умумклиник, биокимёвий (қонда мочевина, глюкоза, оксил, умумий билирубин ва фракциялари, қон зардобида холестэрин, ишқорий фосфатаза, аспартат аминотрансфэраза (АСТ), аланин аминотрансфэраза (АЛТ); гамма-глутамин транспептидаза (ГГТ), лейцин аминопептидаза (ЛАП), хавф омилларини тарифлашда, атрибутив фракция (attributable risk – AR), нисбий хавф (relative risk - RR), этиологик улуш ва (attributable fraction- AF, EF) имконият нисбати (odds ratio

- OR) кўрсаткичлари, ультратовуш текшируви ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўт ажратиш йўллари функционал бузилиш касалликлари мактабгача ёшдаги қиз ва ўғил болаларда бир хил тезликда учради ($p < 0,05$), 7-16 ёш даврида эса қиз болаларда устунлик қилди ($p < 0,01$), ўт йўллари яллиғланиш касалликлари ва ўт чўкмаси касаллиги тезлиги ёшига қараб ошиб бориши, ҳамда қиз болаларда кўпроқ кузатилди, буни балоғат ёшида қизларда эстроген гормонини кўпайиши билан боғлиқлиги исботланган;

ўт ажратиш йўллари касалликнинг шаклланишида ўт йўллари аномалиялари билан бир нечта хавф омиллари натижасида ривожланиши ва ўт чўкмаси юзага келиши учун ирсий, узоқ антибиотик(цефтриаксон) қабул қилиш, кам ҳаракат, ортиқча вазн, ичак дисбиози энг муҳим хавф омиллари эканлиги исботланган;

ўт ажратиш йўллари касалликлари фонида ўт чўкмаси белгилари аниқланган беморларда холестерин миқдорининг биров ошиши, умумий билирубиннинг кўпайиши, ИФ, ГГТ, ЛАП ферментларининг фаоллиги ошганлиги ва клиник белгиларининг яққол намоён бўлиши холестаза ривожланиш белгиси эканлиги исботланган;

ўт чўкмасини даволашда урсодезоксихолат кислота препаратини ўт чўкмаси таркибига кўра тавсия этиш, стандартда белгиланган миқдорга қараганда даволаш тезроқ ва самарали натижа бериши, ҳамда бу болаларни 2 йил давомида назорат қилиш ва ҳар 6 ойда бир марта УТТ ўтказиш, даволашни ўз вақтида олиб бориш, ўт чўкмаси ҳосил бўлиши қайталаниши ва ўт тош касаллиги юзага келиш ҳолатлари олди олиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ўт йўллари касалликлари ривожланишини тахмин қилинишини, ташхислаш сифатини, даволаш ва профилактик тадбирлар натижаларини яхшилаш, асоратлар юзага келишининг олдини олиш тартиби асосланган;

мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасида билиар тракт патологияси ривожланиши олиб келувчи хавф гуруҳларини аниқлаш;

тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар холелитиазнинг эрта ташхисотини оширади ва ўт тош касаллиги юзага келишини олдини олиш исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти болаларда ўт йўллариининг сурункали касалликлари ва ўт тош касалликларини ривожланишига хавф туғдирувчи омилларни аниқлаш. Болаларда ўт йўллари касалликларни проспектив

текширувларга, клиник-функционал ва биокимёвий кўрсаткичларга асосланиб эрта ташхислаш ва профилактика қилишни ишлаб чиқиш. Билиар тракт аъзоларини даврий ультратовуш текшируви орқали ўт чўкмаси даврлари ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти билиар сладж шаклланиш хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлаш, ўт тош касаллигини олдини олиш ва уларни ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтказилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар амалий шифокорларга услубий тавсиялар сифатида чоп этилди «Болаларда билиар тизимнинг дисфункционал бузилишлари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8н-з/144-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома билиар тизим функционал бузилиши бўлган болаларда касалликни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш билан биргаликда касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган;

Услубий тавсиялар Тошкент шаҳар 4- болалар клиник шифохонаси, Тошкент шаҳар 44-сонли оилавий поликлиникага клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил йил 9 августдаги №08-23217-сон маълумотномаси). Қуйидаги услубий тавсиялар соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ўт йўллари функционал касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва биринчи босқичда керакли даволаш муолажаларни ўтказишни тавсия этган. Ўт йўлларидаги оғир касалликларни ишлаб чиқилган даволаш усуллари ва профилактикани қўллаш натижасида тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационар даволаш муддатини қисқариши сифатини ошганлиги хисобига иқтисодий эффеқтивлик олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объект ва предметларини тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўт йўллари касаллигининг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида, болаларда ўт йўллари касалликлари ҳақида замонавий тиббиётда олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича адабиётлар таҳлили натижалари тақдим этилган. Ўт йўллари касалликларни турлари, ташхислашнинг устувор йўналишлари, уларнинг намоён бўлиш частотаси ва кечиши, прогнози ва олдини олиш масалалари баён этилган.

Ўт йўллари сурункали касалликларини ривожланишини белгилайдиган хавф омиллари, шунингдек ўт йўллари туғма аномалияларининг клиник турларини аниқлаш ва шунга мос равишда уларнинг ривожланишининг асосий сабабларини белгилайдиган таҳлилий маълумотлар келтирилган. Ўт йўллари касалликлари бўлган болаларни кузатиш ва динамикада лаборатор ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш холелитиаз ривожланишининг дастлабки босқичларидаёқ аниқлайди ва тегишли даво чорасини қўлланилишига ёрдам бериши тўғрисида ҳозирги тушунчани таҳлил қилиш таклиф этилган, бу эса ушбу тадқиқот зарурлигини белгилайди ҳамда келажақда масала юзасидан кенг тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилиши аниқланган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 178 нафар бола клиник текширувдан ўтказилди ва кузатилди, жумладан 71(40%) нафари ўт йўллари функционал бузилишлари билан, 71(40%) нафари сурункали холециститли болалар, 36(20%) нафар назорат гуруҳи бўлган 3-16 ёшдагача бўлган соғлом болалар ташкил қилган.

Ўт йўллари функционал бузилишлари ва сурункали холециститнинг ёши ва жинсига кўра текширув усуллари олиб борилди ва олинган натижаларга кўра клиник хусусиятлари келтирилган. Ўт йўллари функционал бузилиш касалликлари(1-гуруҳ)дан 31нафар(46%) болада ва назорат гуруҳидан 4нафар(5%) болада билиар ўт чўкмаси белгилари аниқланди. Кейинги текширувда назорат гуруҳидан ўт чўкмаси белгилари топилган 4та болада ўт йўллари дискинезияси ташхиси тасдиқланди. 71 та сурункали холецистит(2-гуруҳ)да 39нафар(49%) болада ўт чўкмаси аниқланди. Ўт чўкмаси бўлган 74та болалар алоҳида кузатув гуруҳига ажратилган.

Ўт йўллари касалликларини ташхислашда нафақат клиник синдромлар, балки анамнез маълумотлари ҳам аниқланади ва патологиянинг ривожланишига ҳисса қўшади. Болаларни ҳар томонлама ўрганиш ирсий омиллар, неонатал даврдаги ҳаёт тарихи маълумотлари, овқатланиш тартиби ва турмуш тарзи, ўказган касалликлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. Анамнез маълумотларини синчковлик билан ўрганиш ўт йўллари функционал дисфункциясига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга имкон берди. Лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш (умумий ва биокимёвий қон текшируви, қорин бўшлиғи органларининг ултратовуш текшируви ва капрограмма) ўзгаришларнинг хусусиятини аниқлайди ва давосини тавсия қилишда ёрдам бериши исботланган.

Иш давомида замонавий лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ишлатилди. Корреляцион таҳлил К. Спирман ва М. Кендалл усули ёрдамида амалга оширилган.

Натижаларнинг статистик таҳлили «Open Epi 2009, Version 2.3» и «Doctor Stat 2013, Version 1.9» статистик дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди. Текшириш ва ўқув гуруҳи ўртасида фарқлар мавжуд бўлса, қарама-қарши нисбатлар (OR) 95% ишонч оралиғи билан ҳисобланган. Диссертациянинг «**Болаларда билиар тизими касалликларини клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида 178 нафар болада ўт йўллари сурункали касалликлари учраш даражасини аниқлаш мақсадида тадқиқот натижалари келтирилган. Олинган натижалар маълумотлари шуни кўрсатадики, 6 ёшгача бўлган болаларнинг 12 нафрда (7%) ўт йўллари функционал бузилишлари устунлик қилди, сурункали холецистит эса 4 нафар (2%) болада аниқланди. Болаларда 7-11 ёшда ўт йўллари тизимининг функционал ва яллиғланиш касалликлари 30 нафар (17%) ҳолатларда бир хил тезликда, 12-16 ёшда эса ўт йўллари дискинезияси 29 нафар (16%) беморда учради. Шуни таъкидлаш керакки, болаларда холецистит фониди, кўп ҳолларда, функционал бузилишлар ҳам қайд этилади, чунки иккиламчи дисфункциялар кўпинча сурункали холецистит касалликлари фониди ривожланади, бу эса даволаниш пайтида эътиборга олиниши лозимдир.



1-расм Болаларда Ўй касалликларининг ёшига кўра тақсимланиши

Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, 3-6 ёшли болаларда Ўй касалликлари барча кузатув гуруҳига нисбатан камдан-кам ҳолларда 16 (5,5%) ни ташкил этади, бу 6 (4%) қиз болаларда функционал дискинетик бузилиш касалликларининг устунлиги билан кўзга ташланди. 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда Ўй касалликлари ўғил ва қиз болаларда бир хил тезликда аниқланди, лекин қизларда функционал бузилишлар устунлик қилади, ўғил болаларда эса енгил сурункали холецистит касалликлари устунлиги кузатилди. 12-16 ёшда қизлар 20 (28%) ҳолларда сурункали холецистит билан касалланганлиги аниқланди, бу ўғил болаларга қараганда учраш тезлиги кўпроқ 17та (24%).

Ўт йўллари функционал бузилишлари бўлган болаларни текшириш вақтида 20 нафар (28%) онада ҳомиладорлик ва 19 нафар (27%) онада

туғишнинг патологик ҳолатда кечиши аниқланди, бу туғилган чақолоқларда марказий асаб тизимининг перинатал шикастланишининг ривожланишига олиб келди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларда ўт йўлларининг функционал бузилишлари ҳаётнинг турли даврларида кузатилади, уларнинг ривожланишига бирламчи ва иккиламчи дискинезияларнинг ривожланишига олиб келадиган кўплаб омиллар ёрдам бериши аниқланган.

Ўт йўллари дискинезия фониди билиар чўкма пайдо бўлган болаларда генеалогик анамнезида қуйидагилар кузатилди: ҳаётнинг 1 -йилида ва катта ёшли болаларда овқатланиш бузилган $OR=42.9$, кун тартиби ва овқатланишини бузилганлиги $OR=30.1$, тана вазни ортиқчалиги $OR=29.4$, ичак инфекциялари $OR=8.6$, паразитар ва гелминт инвазиялар $OR=4.08$, ичак дисбактериозлари $OR=11.2$ фониди қайд этилган. Ҳар иккала кичик гуруҳда ҳам ошқозон -ичак тизими инфекциялари ривожланишидаги аномалиялар бир хил учраганлиги аниқланган. Кўп ҳолларда болаларда бир нечта хавф омилларининг комбинацияси мавжуд. 3-6 ёшли болаларда ошқозон -ичак тизимининг бирламчи функционал бузилишлари устунлик қилган, аномалиялар аниқланган ҳолатар бундан мустасно. 7-16 ёшли гуруҳларда эса ўт йўллари дискинезияси иккинчи даражали хусусиятга эга экани келтирилган.

Ўт йўлларининг функционал бузилишларининг клиник кечишида анъанавий равишда вақти - вақти билан пайдо бўладиган оғриқлар ва диспептик синдромлар ажралиб туради. Ўт пуфаги ва ўт йўлларининг дисфункцияси кузатилган болаларнинг клиник кўринишида оғриқ синдроми эпигастрал соҳада ёки ўнг ўнг қовурға равоғи тагидаги соҳада жойлашгани билан характерланади, оғриқ давомийлиги 30 минут ва ундан кўпроқ. Текширувлар натижасида ўт йўллари дискинезияси (ўт чўкмали) ва ўт йўллари дискинезияси (ўт чўкмасиз) болаларда оғриқ синдроми характерланди. Бунда ўт чўкмали болалар 29нафар(74.2%($p<0,05$)) эпигастрал соҳада, киндик атрофида 26та(68.6% ($p<0,05$)), ўнг қовурға равоғида 20нафар(62.8% ($p<0,05$)), Ўнг қовурға ёйи остида орқага ва ўнг куракка оғриқ узатилиши билан 12нафар(22.8%($p<0,05$)) ва Ўнг юқори қорин соҳасида, хуружсимон ва доимий кечки оғриқлар 15(25.2%, $p< 0, 05$) ўрганилган.

Болаларда абдоминал оғриқсиндроми ўрганилганда асосан узоқ давом этувчи (25,7%; $P < 0,05$), кечки (36,14%), тўмтоқ (52,6%; $P<0,05$) оғриқларга шикоят қилишди. Бундан ташқари сиқувчи, симилловчи, санчувчи оғриқлар ҳам ўрганилди.Тадқиқотимизда болаларда оғриқ синдроми пайдо бўлиш вақти таҳлил қилинганда - оч қоринга 51.4%, овқат вақтида 45.7%, овқатдан кейин 57.1%, ёғли овқатдан кейин 80% , кечки оғриқлар 54.2%, эрта оғриқлар 31.4% аниқланди.Ўт йўллари дискинезияси шикоятларининг ўзгарувчан табиати, болалар ҳолатига психологик омиллар таъсир қилиши билан тавсифланган.

Ўт йўлларининг дисфункцияси бўлган, ўт секрецияси бузилган болаларда, умумий қон таҳлили ва қоннинг биокимёвий текширувларида ўзгаришлар аниқланмаган, бу яллиғланиш жараёни ва метаболик бузилишлар жараёнларнинг мавжудлигини истисно қилади. Ўт пуфагининг функционал

бузилишларида билирубин ва холестерин даражасини, трансаминазалар фаоллиги, ишқорий фосфатаза ва бошқа ферментларнинг фаоллигини аниқлаш, қонни биокимёвий таҳлилида ҳеч қандай ўзгаришлар бермади, лекин трансаминазалар, ишқорий фосфатаза фаоллигининг кўрсаткичлари, ГГТ ва ЛАП меъёрининг юқори чегарасида бўлган.

Функционал бузилишлар фонида ўт чўкмалари белгилари бўлганда, холестерин миқдорининг бироз ошиши, умумий билирубин, асосан билвосита билирубиннинг кўпайиши ҳисобига кузатилган. АЛТ ва АСТ ферментларининг фаоллиги нормал бўлганида, АЛП, ГГТ, ЛАП ферментларининг фаоллиги ошди, улар даволаниш вақтида нормал ҳолатга қайтди, функционал бузилишларнинг клиник яхшиланиши ва меъёрига қайтиши кузатилди. (ГГТ) ва (ЛАП)нинг кўпайиши ўт йўллари ва жигар касалликларига хос бўлиб, улар ўт ҳайдалиши бузилиши билан кечган

Дисертациянинг “Болаларда сурункали холециститнинг клиник хусусиятлари ва текшируви натижалари” номли тўртинчи бобда кўп ҳолларда ўт пуфагининг функционал ва яллиғланиш жараёни биргаликда шаклланганлиги, бу эса беморларда даволашда эътиборга олинишини талаб қилиши баён этилган. Сурункали холецистит ривожланишининг хавф омиллари, клиник хусусиятлари ва лаборатор -инструментал ўзгаришлари ўрганилган.

Илмий текширув давомида 71нафар(40%) болада этиологик ва ривожланиш хавф омиллари аниқланган ҳолда, сурункали холецистит ташхиси қўйилган. Бу болаларда тиббий текшириш, кузатувлар ўтказилди, натижада сурункали холецистит ўт чўкмаси билан 39нафа(22%) бола аниқланди. Болаларнинг иккита гуруҳларида касалликни келтириб чиқарувчи хавф омиллари ўрганилиб, бир бири билан таққослаганда (ўт чўкмасиз ва ўт чўкмали сурункали холецистит), хавф омиллари сифатида шиддатли дизбактериоз (OR=11.3), сурункали инфекция ўчоқлари (OR=10.02), ортикча вазли болалар (OR=8.98), ҳаётнинг 1 -йилида ва 1ёшдан кейин овқатланишнинг бузилиши (OR=4.29), ўт йўллари аномалиялари (OR<8.94), ўтказилган ичак инфекциялари (OR=3.6), антибиотикларни қабул қилиш (OR=3.04), кўрсаткичи энг кам хавф омили эса туғруқ ва хомиладорлик патологияси (OR=0.98 ; OR=0.89) ни кўрсатган.

ўт чўкмаси аниқланган беморларда айниқса туғилгандан кейин, бир қанча хавф омилларининг бирикмаси кузатилган: кун тартиби ва овқатланиш тартибининг бузилиши, ўтказилган ичак ва паразитар инфекциялар, сурункали инфекция ўчоқлари мавжудлиги, аллергия ва ривожланиш аномалиялари кабилардир.

Сурункали холецистит узоқ давомийлиги ва монотон, даврий кечиши билан ажралиб турарди. Етакчи клиник белгиларидан бу оғриқ, диспептик ва умумий интоксикация синдромидир

Текширувлар натижасида сурункали холецистит (ўт чўкмали) болаларда оғриқ синдроми ўт чўкмасиз болаларга караганда клиник белгилар кўпроқ юзага чиқган.

Бунда ўт чўкмали болалар 27та(69.3%, $p<0.05$) эпигастрал соҳада, киндик атрофида 25та(51.3%($p<0.05$), ўнг қовурға равоғида

29та(74.3%(p<0.005), Ўнг қовурға ёйи остида орқага ва ўнг куракка оғриқ узатилиши билан 27та(69.3%(p<0.05) ва Ўнг юқори қорин соҳасида, хуружсимон ва доимий кечки оғриқлар 12та(30.5%(p< 0.05) ўрганилди.

Болаларда абдоминал оғриқ синдроми ўрганилганда асосан -ўнг қовурға ёйида 14та(35.8%), тўмтоқ 15та (38.5%; P<0,05) узок давом этувчи 9та(23,08%; P<0,05), кечки 8та (23.5%, P<0,05) оғриқларга шикоят қилишди. Бундан ташқари сиқувчи, симилловчи, санчувчи оғриқлар ҳам ўрганилди. Тадқиқотимизда болаларда оғриқ синдроми пайдо бўлиш вақти тахлил қилинганда.оч қоринга 18та (46.1%, P<0,005) , овқат вақтида 22та (56.4%, P<0,05), овқатдан кейин 23та(58.3%, P<0,05) , ёғли овқатдан кейин 28та (71.3% , P<0,05), кечки оғриқлар 19та(54.2%, P<0,05), эрта оғриқлар 15та (38.1% P<0,05) аниқланди. Болаларда ўрганилган оғриқ синдроми хусусиятлари бўйича аниқланган.

Диспептик белгилар, одатда, кўнгил айнаши, ўнг қовурға тагида ёки эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси каби симптомлар тавсифланади, айниқса овқатдан кейин кекириш, оғизда аччиқлик ҳисси кучаяди ва улар кўп ҳолларда пархезнинг бузилиши билан боғлиқ. Баъзи ҳолларда, қусиш аччиқ зардоб билан содир бўлади, бу эса барибир енгиллик ҳиссини келтирмайди. Қайталаниш даврида иштаҳа пасаяди, баъзида нажас бузилиши кузатилади: ич қотиши, диарея, уларнинг алмашилиши, шунингдек, метеоризм ва бошқалар.


Текширилган болаларда диспептик синдром белгилари ўрганилиб тахлил қилинганда қуйидагилар аниқланди, бунда энг юқори диспептик белги ўт чўкмасиз болаларга қараганда ўт чўкмали болаларда кекириш 29та(74,4%. P<0,005), қабзият 27та(69.2%, P<0,01), иштахани бузилиши 28та (71,7%. P<0,005), оғизда аччиқ мазза 22та (56,4%, P<0,005), ўнг қовурға ёйида оғирлик ҳисси 15та (38,4%, P<0,005) билан намоён бўлди. Ўт пуфаги муаммоларини кўрсатувчи Ортер , Мерфи, Керра, Лепейне симптомлари кўрсаткичлари аниқланди. Сурункали холецистит ўт чўкмали болаларда диспептик белгилар солиштирма гуруҳга қараганда кўпроқ кузатилган.

Бундан ташқари сурункали интоксикация белгилари ҳам намоён бўлади: бош оғриғи, чарчоқнинг кучайиши, уйқунинг бузилиши, ҳиссий қобилиятсизлик, ўзлаштириш кўрсаткичларнинг пасайиши, баъзида қўлларнинг титраши ва юз мушакларининг беихтиёр ҳаракатлари, бта ҳолатда (6%) етакчи клиник симптомлар сифатида доимий субфебрилитет ва полиартралгия ёки юрак уриши, юракдаги оғриқ ва ноқулайлик ҳиссиёти, хансираш ва доимий безовталиқ, субфебрил даражадаги иситма кузатилган. Бу симптоматика 57 нафар (80%) болада кузатилган.

Текширувларимиз натижасида 20нафар (28%) болада 2-3 кун ичида кам учрайдиган ва қисқа муддатли клиник белгиларининг қайталанишлари, 51нафар болада–(80%) СХ ўртача оғирликда, қайталаниш ва ремиссия даврининг ўзгариши бўлди, қайтланишлар 2-3 ҳафта давом этди, оғриқ ва диспептик синдромлар, ўт пуфагининг ижобий белгилари мавжудлиги аниқланди, улар овқатланишдаги хатоликлар туфайли келиб чиққан ва овқатланишнинг тўғирланиши билан ахволи яхшиланиб, клиник белгилари ўтиб кетиши кузатилган.

СХ клиник кечиш белгилари ва хусусиятлари ўт пуфагидаги яллиғланиш жараёнининг оғирлиги ва давомийлигига, болаларда СХ фониди функционал бузилиш белгилари мавжудлигига, ўт пуфаги органларига бирлашган ёки аралаш касалликларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлди. Бу эса ултратовуш текшируви билан тасдиқланган.

Кузатилган сурункали холециститли 55 нафар (77,5%) болаларда, ўт йўллариининг дискинезияси белгилари кузатилган, улардан 39 нафариди (71%) ўт чўкмалари белгилари бўлган ва улар алоҳида кузатув гуруҳига ажратилган.



2-расм. Сурункали холециститли болаларни билиар тизими функционал бузилишлари (дискенизиялар) ва ўт чўкмасининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш.

Периферик қон таҳлилида СХнинг кучайиши даврида яллиғланишли ўзгаришлар бўлиши мумкин, лейкоцитлар сонининг чапга силжиши билан сезиларсиз лейкоцитоз, ЭҚТнинг ошиши. Бундай ҳолларда, яллиғланиш ўзгаришларининг бошқа сабабларини аниқса касалликнинг энгил кечиши ёки атипик шаклини инкор қилиш керак. Биокимёвий текширувлар натижасида диспротеинемия (α -1, α -2, γ глобулинлар даражасининг ошиши), тимол тестининг ошиши, (С-реактив оксил), айрим ҳолларда ферментлар ошиши ва холестаза белгилари аниқланган. ($p < 0,05$).

Ўт чўкмасининг белгилари бўлмаган СХ болаларда қоннинг биокимёвий текшируви умумий билирубин $21,07 \pm 0,47^*$ нинг кўпайишини кўрсатди, бевосита билирубиннинг кўрсаткичлари $4,74 \pm 0,13$ меъёрнинг юқори чегарасида эди. Ишқорий фосфатаза фаоллигининг бироз ошиши $380,16 \pm 12,3^*$ билан трансaminaза фаоллиги кўрсаткичлари $38,7 \pm 0,65^*$ меъёрнинг юқори чегарасида бўлган.

СХ фониди ўт чўкмаси белгилари бўлган болаларда умумий билирубиннинг кўпайиши $25,05 \pm 0,5$ кузатилди. Бу асосан билвосита билирубин фракциялари $19,55 \pm 0,35$ ва меъёрнинг юқори даражадаги бевосита билирубин $5,5 \pm 0,08^*$ кўрсаткичлари, холестериннинг кўпайиши $6,08 \pm 0,029$ ва АЛТ фаоллигининг бироз $41,95 \pm 1,1^*$ ошиши ҳисобига рўй берди. Ферментлар фаоллигининг ошиши (АЛП, ГГТ, ЛАП) ўт секрецияси бузилиши ва холестаза ривожланишини кўрсатган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларда СХ учраши ва ташхисоти 7 ёшдан кейин кўпайган, мактаб ёшида эса учраш тезлиги ошган.

Холециститнинг ривожланишига ҳаётнинг турли даврларида таъсир этувчи кўплаб омиллар сабабчи бўлган, ўтказган ичак инфекциялари, гельминтозлар, паразитар касалликлар, овқатланишнинг бузилиши, ўт йўлларида бир вақтнинг ўзида функционал бузилишлари ва бошқалар холелитиёз ҳолатлари учраши муҳим рол ахамият касб этган..

Шунинг учун, яллиғланиш жараёнини бартараф этиш, ўз вақтида даволаш ва профилактика чораларини кўриш, шунингдек, биргаликда кечаётган дискинезияларни тузатиш ўт тизими функциясини тиклашга ёрдам беради ва ўт чўкмаси ҳосил бўлиши олдини олади. Бу билан келажакда ўт тош касаллиги келиб чиқиши камиши аниқланган.

Диссертациянинг **V-бобида “Болаларда ўт чўкмаси ҳосил бўлиши клиник хусусиятлари ва даволаш ҳамда назорат қилиш тамойиллари”** бешинчи бобида ўт пуфаги ва ўт ажратиш йўллари тизими касалликлари бўлган болаларда ўт чўкмасини аниқлаш, ривожланишини олдини олиш мумкинлиги ўрганилди. Олиб борилган ўт йўллари дискинезияси ва СХ билан оғриган болаларни ултратовуш текширувида, 1 -жадвалда келтирилган касаллик ҳолатларининг тахминан ярмида ўт йўлининг ўт чўкмасининг белгилари ҳар хил даражада аниқланди.

1-жадвал.

Болаларда билиар касалликларида ўт чўкмасини учраш даражаси

Кузатувдаги болалар	Умумий сони	ўт чўкмасиз		ўт чўкмали		жами		p
	абс	абс	%	абс	%	абс	%	
Ўт йўллари дискинезияси	67	36	54%	31	46%	67	100%	p<0,01
Сурункали холецистит	71	32	45%	39	55%	71	100%	p<0,05
Назорат гуруҳи(соғлом)	40	36	90%	4	10%	40	100%	p<0,01

Текширувлар натижасида назорат гуруҳида 4та болада ўт чўкмаси (2,25%), куюқ гетероген аралашма (1,1%) ва суртмасимон ўт қуйқаси (1,1%) кўринишидаги ўзгаришларни кўрсатди. Клиник текширув вақтида бу болаларда ўт секрециясининг функционал бузилишлари белгилари бор эди ва улар дискинезия касалликларга чалинган болалар гуруҳига киритилди, сўнгра даволаниш ва кузатиш ўтказилган.

Анамнезида ўт йўллари касалликлари бўлган болаларни текширганда, патологик жараёнларнинг ривожланишига олиб келувчи омиллар аниқланди, улар кейинги кузатув ва даволаниш вақтида ҳисобга олинди. Хавф омиллари, уларнинг комбинацияси ривожланаётган патологик ўзгаришларнинг табиати ва оғирлигига ўз таъсирини кўрсатди. 2- Жадвалда ўт йўллари дискинезияси ва сурункали холецистит билан оғриган беморларда ўт чўкмасининг ривожланишига қараб хавф омиллари тезлигининг қиёсий тавсифи келтирилган.

Ўт йўллари дискенизияси ва сурункали холецистит фониди ўт чўкмаси хосил бўлишида хавф омилларининг қиёсий тавсифи

Хавф омиллари	Болалар умумий миқдори (n=142)		Ўт йўллари ддскинезияси (ўт чўкмасиз) (n= 36)		Сурункали холецистит (ўт чўкмасиз) (n= 32)		Ўт чўкмаси + ЎЙД ва САХ (n= 74)		P
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	
генеалогик анамнез	12	8%	1	3%	2	6,5%	9	12%	p<0,05
Ҳомиладорликнинг патологик кечиши	35	24%	10	28%	5	15%	20	27%	p>0,01
Туғруқнинг патологик кечиши	29	20%	9	25%	5	15%	15	20%	p<0,05
Ҳаётини 1-йилида овқатланишнинг бузилиши	57	40%	10	28%	10	31%	37	50%	p<0,05
1 ёшдан овқатланишнинг бузилиши	80	56%	15	42%	15	48%	50	68%	p<0,01
нормастеник	94	66%	24	66%	24	75%	56	62%	p<0,05
астеник	9	6%	5	14%	1	3%	3	4%	p<0,05
гиперстеник	45	31%	3	8%	8	25%	34	46%	p<0,01
Ҳаракат фаоллигини сустлиги	55	39%	10	28%	5	15%	40	54%	p<0,05
Ўтказилган ичак инфекциялари	48	34%	10	28%	12	37%	26	35%	p<0,05
Паразитар ва гельминт инвазиялари	60	42%	12	33%	15	48%	33	45%	p<0,05
Сурункали ўчоқ инфекциялари	48	34%	12	33%	12	37%	24	32%	p<0,05
Озиқ овқат аллергиялари	37	26%	8	22%	8	25%	21	28%	p<0,05
Дисбактериоз	49	34%	10	28%	10	31%	29	39%	p<0,05
Антибиотик қабул қилиниши (цефтриаксон)	10	7%	1	1,4%	2	6%	7	9%	p<0,05
ЎЙТ аномалиялари	46	32%	5	14%	5	16%	36	48%	p<0,05

Тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўт чўкмаси аниқланган болаларда наслилик 9та(12%), ҳаётнинг биринчи йилида тўйиб овқатланмаслик 37та(50%) ва 1ёшдан кейин овқатланиш тартибини бузилиши 50та(68%), гиперстеник тана тузулиши 34та(46%), ҳаракат сустлиги 40та(54%), узок антибиотиклар (цефтриаксон) олганлиги 7та(9%), озиқ овқат аллергияси 21та(28%), дисбактериоз 29та(39%) бошқа гуруҳ болаларга қараганда юқори кўрсаткичларни кўрсатди.

СХли болаларда нормастеник тана тузулиши 24та(75%),ўтказган ичак инфекциялари ва сурункали инфекция ўчоқлари 12та (37%), ичак паразитлари ва гельминтозлар 15та(48%), ўт чўкмасининг юзага келишида асосий хавф


омиллари сифатида, ўт йўллари дискенизияси бўлган болаларга нисбатан аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, кузатилган болаларнинг барча гуруҳларида кўп ҳолларда бир нечта хавф омиллари билан биргаликда келиши қайд этилган. Шунини хулоса қилиш мумкинки ўт чўкмаси келиб чиқишида ҳар иккала гуруҳга нисбатан хавф омиллари юқори даражада таъсир қилиши аниқланди

Кузатувдаги болаларда ўт ҳосил бўлишининг бузилиши хусусиятлари ўрганилганда ўт йўлининг функционал бузилиши ва СХ болаларни ултратовуш усулида текширганда, 19та(50%) ҳолларда қуюқ гетероген аралашма кўринишида ўт чўкмасининг белгилари, эхографик ўзгаришлар шаклида аниқланди.


3-6 Расмларда Болаларда ўт таркибини бузилиш тулари ва босқичлари келтирилган



3-Расм. Тош ҳосил бўлишидан олдинг I -босқичи-қуюқ гетероген аралашма




4-Расм Тош ҳосил бўлишидан олдинг II- босқичи – ўт чўкмаси микролитлари



5-Расм. Катта қуйқасимон қуюқ суртмасимон ўт



6-Расм. Микролитлар билан қуюқ суртмасимон ўт



7-Расм. Болаларда ўт чўкмаси тулари ва босқичларига нисбатан тақсимланиши

Ўт ҳосил бўлишининг бузилишини аниқлаганимизда, нафақат ўзгаришларнинг босқичлари ва табиатини, балки болаларнинг ёши ва жинсини ҳам ҳисобга олиш кераклиги аниқланди.

3-жадвал

Болаларда ўт ҳосил бўлишининг бузилишини ҳар хил босқичларида ёши ва жинсига нисбатан тақсимланиши

Ўт –тош касаллиги (ЎТК) илк босқичи	жинси				жами	
	Ўғил болалар		Қиз болалар		абс.	%
	абс.	%	абс.	%		
Қуюқ, таркиби бир хил бўлмаган (гетероген) ўт (ҚГЎ)	8	11%	7	9%	15	20%
Ўт чўкмаси						
Ўт микролитлари қуйқаси (ЎМҚ)	12	16%	3	4%	15	20%
Суртмасимон ўт қуйқаси (СЎҚ)	10	14%	29	39%	39	53%
ЎМҚ + СЎҚ	1	1%	4	6%	5	7%
Жами	31	42%	43	58%	74	100%


Шунингдек 43 нафар(58%) қиз болалар ва 31нафар(42%) ўғил болаларда холелитиаз жарёни бузилиш белгилари аниқланди. Қуюқ, таркиби бир хил бўлмаган (гетероген) ўт (ҚГЎ)аралашмаси кўринишидаги дастлабки ўзгаришлар 15та(20%) болада кузатилган, ўғил ва қиз болаларда тахминан бир хил тезликда учраган. Ўт чўкмасининг пайдо бўлишининг бошланғич босқичида ўт микролитлари суспензияси мавжуд бўлганда, қизларга 3та(4%) қараганда ўғил болаларда 12та(16%) ўзгаришлар кўпроқ кузатилган. Ультратовуш маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўпчилик болаларда (ҳар икки гуруҳда ҳам 40%) қуюқ, гетероген ўт (ҚГЎ) 15та(20%) ва ўт микролитлар 15та(20%) аниқланади. Кўпгина ҳолларда, қизларда29та(39%) суртмасимон ўт қуйқаси (СЎҚ) шаклланиши кузатилди ва у ларнинг 5таси(7%)да, барча гуруҳларга нисбатан: қиз болаларда кўпроқ 4та(6%) ва ўғил болаларда

1та(1%)суртмасимон ўт қуйқаси (СЎҚ) ва ўтда микролитларнинг комбинацияси аниқланди.


Қонда биокимёвий ўзгаришлар ўт йўллари дискинезияси ва сурункали холецистит билан касалланган болаларда ўт секрециясининг бузилишининг ривожланиши кузатилган. СХ билан оғриган болаларда, ферментлар фаоллиги ошиши (ишқорий фосфатаза, АЛАТ, АСАТ, ГГТ, ЛАП), шунингдек, билвосита билубирин фракциясининг кўпайиши билан ўзгаришлар аниқроқ намоён бўлди.

Олиб борилган текширувларга асосланиб ўт ажратиш йўллари касалликлари ва ўт чўкмасини эрта аниқлашга ёрдам берувчи қўшимча ташҳисот мезонлари ва даволаш таклиф қилинган.

Болаларда билиар тизими касалликларининг ташҳисоти алгоритми



Болаларда ўт чўкмасини даволаш алгоритми



ХУЛОСАЛАР

«Болаларда ўт ажратиш йўллари сурункали касалликларининг шаклланиш босқичлари ва клиник намоён бўлиши» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Ўт йўллариининг дискинезияси 6 ёшгача бўлган болаларда ҳаётий жинсидан қатъий назар, бир хил тезликда (9%), 7-16 ёшгача бўлган гуруҳда ўғил болаларга нисбатан қизларда (26-32%) кузатилди. Сурункали холецистит 6 ёшгача бўлган болаларда камдан -кам ҳолларда (1,5%) аниқланди. болалар ёши ошгани сайин, аниқланишлар сони қизларда ортиб борди (24% - 28%), айниқса, ҳаётнинг балоғат даврида кўпроқ кузатилди. Бу ҳолат қизларда балоғат ёшида эстроген гармонини кўпайиши, бу эса холестерин синтезини ошириб, ўтни холестеринга тўйиниши билан изоҳланади Ўт йўллари дискинезияси аниқланган беморлардан 31 (46%), сурункали холециститда эса 39 (55%) ҳолларда ўт чўкмаси аниқланди.

Болаларда ўт йўллари сурункали касалликларини юзага келтирувчи хавф омиллари 1 ёшдан кейин овқатланиш тартибини бузилиши (29), дисбактериоз(OR<11.2), сурункали инфекция ўчоқлари (OR<5.89), ўт йўллари аномалиялари (OR<3.21), эканлиги аниқланди. Билиар сладж ривожланишида асосий хавф омиллари ЎИИ(OR <3,4), гижжа инвазия OR <4,2), ортиқча вазн (OR <3,94), наслийлик(OR<3,01 ўт тош касаллиги келиб чиқишида асосий хавф омили эканлиги аниқланди

3. Ўрганилган касалликларда ўт чўкмаси ривожланиш босқичларига кўра касалликнинг клиник белгиларидан абдоминал оғриқ, диспептик, ва эндоген интоксикация синдромнинг клиник кўриниши ва хусусиятлари кўпроқ намоён бўлди. Ўт чўкмаси мавжуд бўлган ҳолатларда холестерин миқдорининг $6,08 \pm 0,029$ бироз ошиши, умумий билирубиннинг $25,05 \pm 0,5$, асосан билвосита билирубиннинг $19,55 \pm 0,35$ кўпайиши ҳисобига кузатилган бўлиб, АЛТ ва АСТ $41,95 \pm 1,1^*$ ферментлари фаоллиги нормал бўлса ҳам, АЛП, ГГТ, ЛАП ферментларининг фаоллиги ошганлиги аниқланганлиги, ушбу гуруҳдаги болаларида холестаза юзага келиш белгилари эканлиги аниқланди.

4. Болаларда билиар сладжни даволаш индивидуал ёндошув лозим. Билиар сладжни тўғри кун тартиби, диетатерапия, УДХК препарати билан даволаш, ичак микрофлорасини меъёрини тиклаш, хазм қилишни ва сўрилишни меъёрлаштириш клиник симптомларни йўқолишига олиб келди. Ўт чўкмаси таркибига кўра УДХКнинг миқдори 10-15-20мг/кг/сут этиб белгиланди ва 3ойдан-1йилгача тавсия этилганда касаллик бутунлай тузалишга эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ИБОДУЛЛОЕВА ШОХИДА ЮСУФБОЕВНА

**КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ И ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ
ХРОНИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИИ ЖЕЛЧЕВЫВОДЯЩИХ ПУТЕЙ У ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 2018.1.PhD/Tib557.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Муратходжаева Акида Валиевна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Шомансурова Эльмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Ахмедова Инобат Мухаммеджоновна
доктор медицинских наук,

Ведущая организация:

Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail:).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

А. В. Алимов

Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

К. Н. Хаитов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук

Д. И. Ахмедова

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению учёной степени, доктор медицинских
наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире настоящее время неспецифические заболевания органов желудочно-кишечного тракта у детей занимают одно из ведущих мест в структуре детских болезней. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «частота заболеваний желчевыводящей системы составляет 294 случая на 100 000 населения, что составляет более 25% (почти 50%) всех заболеваний органов пищеварения...».¹ Заболевания системы желчевыводящих путей (ЖВП) широко распространены в структуре детской патологии, и могут приводить к формированию тяжелых осложнений заболевания в наиболее ответственные периоды роста и развития детского организма. Среди детей с патологией желудочно-кишечного тракта частота заболеваний желчевыводящих путей составляет от 55 до 80%. Эти аспекты требуют проведения научных исследований по повышению эффективности методов ранней диагностики случаев заболевания желчевыводящих путей.

Повсеместно проводится ряд научных исследований по приоритетным направлениям педиатрии, при этом особое внимание уделяется исследованиям, направленным на раннюю диагностику, лечение и профилактику осложнений заболеваний ЖКТ, среди которых заболевания гепатобилиарной системы у детей занимают лидирующее место. В связи с этим особое значение приобретают стадии формирования заболеваний желчевыводящих путей у детей, а также выявление факторов риска, установление современных диагностических критериев и разработка эффективных методов лечения, при этом особое значение отводится совершенствованию новых современных комплексных подходов для повышения эффективности реабилитационных мероприятий.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинского сектора, приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию методов раннего выявления, лечения и профилактики заболеваний у детей. Приоритетными задачами дальнейшего совершенствования оказания медицинской помощи населению являются "...преобразование первичного звена здравоохранения в систему, позволяющую своевременно выявлять и лечить заболевания и ускорять цифровизацию. Необходимо определять краткосрочные и долгосрочные перспективы развития отрасли, увеличивать объем медицинских услуг и кардинально улучшать их качество..."². Целесообразно разработка эффективных методов ранней диагностики, лечения и профилактики хронической патологии.

¹ Kaul.K. cyclic vomiting syndrome: a functional disorder. *Pediatr Gastroenterol Hepatol Nutr* 2015;18(4)

² Постановление Президента Республики Узбекистан, от 25.05.2021 г. № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения»

